



doi [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a30](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a30)

## ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИНИ САМАРАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Базарова Гулнора Гуламовна -  
Андижон машинасозлик институти  
Иқтисодиёт кафедраси доценти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат бозорини самарали ривожлантиришнинг илмий-назарий асослари, мавзуга оид илмий адабиётлар шархи, олимларнинг илмий қарашлари, хulosса ва таклифлари ўрганилди. Шу билан бирга мақолада меҳнат бозорида бандликнинг статистик ва динамик таҳлиллари амалга оширилди, меҳнат бозорини самарали ривожлантиришдаги муаммолар ўрганилди ва бу маммоларнинг ечими сифатида илмий асосланган хulosса ва таклифлар келтириб ўтилди.

**Калим сўзлар:** меҳнат бозори, талаб, таклиф, ривожлантириш, рақамли воситалар тизими, қишлоқ, ноқишилоқ, бизнес, иш ўринлари, тадбиркорлик, мувозанат, мослашуечанлик.

### ПЕРСПЕКТИВЫ ЭФФЕКТИВНОГО РАЗВИТИЯ РЫНКА ТРУДА УЗБЕКИСТАНА

**Базарова Гулнора Гуламовна -  
доцент кафедры «Экономика»  
Андижанского машиностроительного института**

**Аннотация.** В данной статье рассмотрены научно-теоретические основы эффективного развития рынка труда в условиях цифровой экономики, проведен обзор научной литературы по теме, научные взгляды ученых, выводы и предложения. В то же время в статье проведен статистический и динамический анализ занятости на рынке труда, изучены проблемы эффективного развития рынка труда, а также приведены научно обоснованные выводы и предложения по решению этих проблем.

**Ключевые слова:** рынок труда, спрос, предложение, развитие, система цифровых инструментов, сельская местность, нежилой фонд, бизнес, рабочие места, предпринимательство, баланс, гибкость.

### PROSPECTS FOR THE EFFECTIVE DEVELOPMENT OF THE LABOR MARKET OF UZBEKISTAN

**Bazarova Gulnora Gulamovna –  
Andijan Machine Building Institute  
"Economics" Department Associate Professor**

**Annotation.** This article examined the scientific-theoretical foundations of the effective development of the labor market in the conditions of a digital economy, a review of scientific literature on the topic, scientific views of scientists, conclusions and proposals. At the same time, the article carried out statistical and dynamic analysis of employment in the labor market, studied problems in the effective development of the labor market, and brought scientifically based conclusions and suggestions as a solution to these Mammo's.

**Keywords:** labor market, demand, supply, development, digital tools system, rural, non-residential, business, jobs, entrepreneurship, balance, flexibility.

**Кириш.** Меҳнат бозори шаклланиши, турли ижтимоий-иқтисодий тизимлар шароитида амал қилиши ва ривожланиб бориши мураккаб, кўптомонлама тадқиқотни талаб қиласидиган жараён ҳисобланади. Уни тадқиқ этишда меҳнат бозорининг умумий қонуниятлари, тамойиллари ва концепцияларини ҳисобга олиш, уларга таяниш мақсадга мувофиқ бўлади.

Меҳнат бозорининг самарали ривожланишини асосий объектив шарт-шароитлари ва омилларини тадқиқоти унинг асосий мезонларини аниқлаш имкониятини беради. Улар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асосий йўналишларини таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Меҳнат бозори ривожланишини иқтисодиёт тараққиётининг муҳим шарти ва ажралмас қисми сифатида таҳлил қилинса,

унинг асосий мезонларини қамраб олиш ва кўрсаткичлар тизимини шакллантириш қулайлашади. Чунки, меҳнат бозори самарали ривожланиш кўрсаткичлари бир томондан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини кўрсаткичлар тизимига кирса, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалиги ривожланишини пировард кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат бозорининг самарали ривожланишини асосий мезонлари қуйидагилардан иборат: меҳнат ресурсларига талабни ошириш; меҳнат ресурслари таклифини камайтириш; иш билан оқилона бандликни таъминлаш; табиий ишсизлик даражасига эришиш[1].

Аҳолининг иш билан бандлик даражаси ҳар қандай давлат иқтисодиётининг ривожланиш кўламини ифодаловчи кўрсаткичлардан

биридир. Меҳнат ва аҳоли иш билан бандлиги соҳасида бозор алоқаларини ривожлантириш янги ва ўхшаш бўлмаган ёндашишини, меҳнат бозори элементларини ўрганишда мунтазамликни, бозор категориялари ва тушунчаларининг услубий базасини янгилашни талаб этади. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш келгусида аҳолини оқилона иш билан бандлиги соҳасидаги институционал тузилмалар фаолиятларини жадаллаштириш ва норматив-хуқуқий базаларини ривожлантиришни талаб қиласди.

Меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига талабни оширишни асословчи мезонга қуйидаги кўрсаткичлар киради: ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини яратилиши; асосий фондларга инвестициялар жалб этилиши; иш жойларини янги техника ва технология билан қайта жиҳозланиши; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама рафбатлантирилиши; ижтимоий инфратузилмани ривожлантирилиши; меҳнат ресурсларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ва бошқалар.

Шу билан бир вақтда меҳнат бозорида меҳнат ресурслари таклифини камайтируви мезон қуйидаги кўрсаткичлар асосида шаклнади: ўз-ўзини банд қилиш соҳаларини ривожлантириш; инфляция ва ишсизлик даражасини камайтириш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишни бозор услугларини кўллаш; бандликни эгилувчан ва ностандарт шакллари кенгайиши; маҳаллий ходимлар малакаси ва мобиллиги ошиши; меҳнат ресурслари экспортини рафбатлантириш ва бошқалар.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Меҳнат бозорида аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлашни асословчи мезонга қуйидаги кўрсаткичлар киради: меҳнат ресурслари талаби ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш; ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатга иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлиги ўсишини таъминлаш; қишлоқ аҳолиси меҳнат даромадларини кўпайтириш; табиий ишсизлик даражасига эришиш ва бошқалар[1].

Тадқиқотдан келиб чиқиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатда меҳнат бозори самарали ривожлантириш, унинг шаклланиши, мослашувчанлигини ошириш ва янада ривожлантириш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, соҳадаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ечиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Лекин, бу етарли даражада эмас, балки соҳада бир қатор муаммолар мавжуд:

- рақамли иқтисодиёт шароитида янги касбларга тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш лозим;

- уюшмаган ёшлар, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли ва ишсизларни бир марталик ёки вақтинчалик иш билан таъминлаш самарадорлигини ошириш муаммолари ечимлари фақат назарияда мавжуд, амалда эса бунга етарли даражада эътибор қаратилмайди;

- ўрта ва ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган ишсизларни қисқа муддатларда меҳнат бозорида талаб юқори бўлган анъанавий ва замонавий ишчи касбларга қайта тайёрлаш тизими талаб даражасида эмас;

- аҳолининг норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш ўрнига бюрократик ва молиявий чоралар билан курашишга асосланган;

- меҳнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишининг самарали механизмини тадқиқ этиш лозим ва бошқалар.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.**

Д.А. Корзҳованинг фикрига кўра, меҳнат бозорини самарали ривожлантиришнинг иқтисодий функцияси бу – меҳнатни оқилона жалб қилиш, тақсимлаш, тартибга солиш ва ундан фойдаланишдан иборатдир[2].

В.Ю. Яковетснинг илмий изланишларида меҳнат бозорини самарали ривожлантирища меҳнат ресурсларига талаб ва таклифига аҳоли сони, унинг жинс ва ёш бўйича таркиби, туғилиш даражаси, яъни демографик омиллар алоҳида ўрин тутади. Хусусан, демографик омилларнинг иш билан бандликка таъсирининг бир неча омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин[3]: биринчидан, аҳолининг ўсиши турмуш кечириш учун янги худудларни излашга мажбур қиласди; иккинчидан, аҳолининг зичлигига боғлиқ равишда табиаттга турли демографик босим кузатилади: ишлаб чиқаришга табиий ресурсларни жалб этиш ва уларни истеъмол қилиш кўпаяди, атроф-муҳит ифлослантирилади.

О. Колесникованинг «Об оценке эффективности работы службы занятости» мақоласида меҳнат бозори инфратузилмаси тушунчасининг моҳияти, унинг функционал элементлари, таркибий қисмларининг таснифи ва ўзаро алоқадорлиги ёритиб берилган ҳамда меҳнат бозори инфратузилмаси даражалари ва функциялари илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Шунингдек, мақолада иш билан бандлик хизмати фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш учун оптималь усууллардан фойдаланиш зарурати қисман асосланган[4].

Р.Ю. Стыцюк меҳнат бозорини самарали ривожлантиришга таъсир қилувчи қуйидаги омилларни ҳам келтириб ўтиш лозим [5]:

- миллий иқтисодиётнинг умумий ҳолати;
- иш ҳақининг ўсиши;
- айрим касблар учун устуворлик ёки аксинча, ҳар қандай касб обрўсининг пасайиши;
- мамлакатдаги демографик вазиятнинг ўзгариши;
- аҳолининг бўш вақтларини ўтказиш соҳасидаги ўзгаришлар.

Ш.Р. Холмўминовнинг асарларида меҳнатга қобилияти қишлоқ аҳолисининг оқилона бандлиги шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ислоҳотлар ўтказилиши асосида амалга оширилиши мумкин. Булар қишлоқ хўжалигидан ортиқча меҳнат ресурсларининг оммавий озод бўлиши ва уларни қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларига, шахсий меҳнат фаолияти соҳаларига ҳамда шаҳар халқ хўжалигига оқиб ўтиши, ходимлар захиралари шаклланиши ва улар бозор механизмлари асосида сафарбар қилиниши ҳамда қайта тақсимланиши жараёнини белгилаб беради[6].

Н.У. Арабов меҳнат бозори инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шарт-шароити, воситаси бўлиб, унинг субъектлари ўртасидаги алоқаларни таъминловчи меҳнат бозори ахборот тизимини шакллантириш ҳисобланади [7]. Шу боис, ахборот максимал даражада ҳақоний ҳамда меҳнат бозорида тадқиқотлар ўтказиш учун етарлича тўлиқ бўлиши, унда содир бўлаётган жараёнларни жамланган ҳолда акс эттириши, у нафақат меҳнат ресурслари бозорининг аҳволини таърифлаши, балки тадқиқ этилаётган жараёнларни прогнозлаш учун замин бўлиб, меҳнат бозори соҳасидаги аҳволни янада яхшилашга қаратилган чоратадбиirlарни амалга ошириш натижасида содир бўладиган ўзгаришларни мустаҳкамлаши лозим. Меҳнатга қобилияти аҳолининг иш билан оқилона бандлигини шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири унинг иқтисодий фаол қисми кенгайишидан иборат. Иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлиги унинг ўзаро боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий-демографик жараёнлар бирлигидаги ҳаракатини акс эттиради

М.А.Умарова меҳнат бозорини самарали ривожланириш учун бозор инфратузилмасининг ривожланиши унинг тизимида барча аҳолини иш билан бандликка кўмаклашувчи тузилмалар фаолиятларининг самарадорлигига боғлиқдир [8].

З.А. Толаметова ва Б.Э. Элмонов инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида меҳнат бозорини самарали ривожланириш мөҳиятини ва унга таъсир этувчи индикаторларни ёритиб бериш, шунингдек, меҳнат бозорини

тартибга солишининг устувор йўналишлари бўйича таклифлар беришдан иборатлиги, меҳнат бозори ҳам ҳар қандай тизим сингари, ўз ривожланиш даражаси, ташқи ва ички муҳитнинг таъсир кўрсатиши билан боғлиқ равища муддати аниқ мақсадли йўл-йўрикларга эга бўлиши лозлиги, меҳнат бозори, бозор иқтисодиётининг фаолият кўрсатишидаги асосий қонуниятлар билан боғлиқ бўлишини келтириб ўтган[9].

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида меҳнат бозорини самарали ривожланириш учун, унинг инфратузилмаси таркибий қисмлари ва уларнинг ўзаро самарали алоқадорлигини таъминлашнинг рақамли маълумотлар базасини такомиллаштириш бўйича иқтисодий тизимлар ва нисбатларни ўрганишга аналитик ва тизимли ёндашув, комплекс баҳолаш, қиёсий ва солишишторма таҳлил, статистик ва динамик ёндашув ҳамда гурухлаш усусларидан фойдаланилди ҳамда меҳнат бозорини самарали ривожланириш, аҳолининг иш билан бандлик хизматидан фойдаланишда самарадорликни ошириш бўйича тегишли хуносаларга келинди. Тадқиқот обьекти сифатида Ўзбекистон меҳнат бозори ўрганилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Меҳнат бозори мураккаб, кенг қамровли жараён бўлганлиги сабабли унинг ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам худди шундай мураккаб таснифга эга, жамловчи тизимдан иборатdir. Меҳнат бозори ривожланиши кўрсаткичларини уларнинг мазмуни, жараённи ифодалаш тарзи, қамрови, ҳисоблаш усуслари каби белгиларига кўра таснифлаш ва гурухлаш мумкин.

Ўзбекистон шароитида Меҳнат бозорини самарали ривожланишига тўсиқ бўладиган бир қатор чекловчилар ҳам мавжуд: меҳнатни қўлланишининг ноқишлоқ хўжалиги минтақаларини яхши ривожланмаганлиги; меҳнат ҳақини паст даражаси; ёлланма иш кучи малакаси ва мобиллиги пастлиги; қишлоқ жойлари инфратузилмасининг суст ривожланганлиги, дехқон хўжаликлари томонидан ишловчиларни ёллашда қонуний чекловлар ва ҳ.к.[1].

Ушбу соҳада асосий йўналишлардан бири бўлган меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Меҳнат бозорида фаол сиёsatни ўтказиш унда содир бўлаётган жараёнлар тўғрисида мавжуд бўлган ахборот оқимларининг аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази идораларида жамланишини кўзда тулади. Бунда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги меҳнат бозорининг ахборот тизимида оқимларни мувофиқлаштириш ва ривожланиришдаги ўрнини ҳисобга олиш лозим.

Меҳнат бозори самарали ривожланиши кўрсаткичларини статик ва динамик кўрсатки-

члар тарзида катта икки гурухга ажратиш мумкин. Бошқача айтганда, статик кўрсаткичларни миқдор кўрсаткичлари, динамик кўрсаткичларни эса сифат кўрсаткичлари дейиш ҳам мумкин.

Статик кўрсаткичлар меҳнат бозори ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳисобланади. Буларга қишлоқ аҳолиси сони, қишлоқ меҳнат ресурслари сони, қишлоқ аҳолисининг иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган қисми сони, ишсизлар сони, ёлланган ва ёлланмаган меҳнат ресурслари сони, давлат ва нодавлат секторида банд бўлганлар сони, меҳнат ресурсларининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимланиши (ҳудудий ва тармоқ таркиби), меҳнат ресурсларининг ёш ва жинси бўйича таркиби кабилар киритилади [1].

Динамик кўрсаткичлар муайян вақт давомида меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ифода-

ловчи кўрсаткичлар бўлиб, меҳнат бозоридаги жараёнларнинг йўналишларини ва қамровини аниқлаш имкониятини беради. Буларга меҳнат ресурсларининг ўсиш суръатлари, иш билан таъминланганлар сони, қисқарган ва янгидан яратилган иш ўринлари, ишсизлик даражаси, кўнимисизлик, бир тармоқдан ёки ҳудуддан бошқасига ўтганлар сони, меҳнат ресурслари талаби ва таклифи ўртасидаги нисбат, иш билан таъминланганларнинг жами иш қидирувчиларга нисбати, меҳнат ресурслари экспорти, банд бўлганларнинг тармоқ ва ҳудудий таркибидаги силжишлар, меҳнат ресурсларининг малакаси, ёши ва жинси бўйича таркиби ўзгариши, ёлланган ва ёлланмаган меҳнат ресурслари сони ўртасидаги нисбат ўзгариши, давлат ва нодавлат секторида банд бўлганлар ўртасидаги нисбат ўзгариши кабиларни киритиш мумкин.

## 1-жадвал

**Меҳнат бозорида бандлик кўрсаткичлари[10] (минг киши)**

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022/33
Иқтисодий фаол аҳоли	14357,3	14641,7	14876,4	14797,4	14980,7	15139,1
Иш билан банд аҳоли	13520,3	13273,1	13541,1	13236,4	13538,9	13835,9
<i>шу жумладан: иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>						
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3671,3	3537,2	3544,6	3499,2	3414,7	3446,7
Саноат	1826,8	1802,9	1821,5	1809,5	1863,2	1851,7
Курилиш	1290,0	1205,5	1324,6	1305,6	1350,8	1366,1
Савдо	1480,2	1401,8	1436,4	1405,4	1535,6	1570,9
Ташиб ва сақлаш	654,9	645,2	646,1	610,5	654,2	657,2
Таълим	1106,6	1111,7	1134,4	1158,2	1220,5	1241,7
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар	602,6	604,0	616,7	669,5	650,8	661,7
Бошқа турлари	2887,9	2964,8	3016,8	2778,5	2849,1	3039,9
<i>Иш билан банд аҳолини мулкчилик турлари бўйича тақсимлаш</i>						
Давлат сектори	2338,3	2427,0	2463,3	2483,1	2530,1	2539,6
Нодавлат сектори	11182,0	10846,1	11077,8	10753,3	11008,8	11296,3
Меҳнат идораларида рўйхатдан ўтган ишсизлар <sup>*)</sup>	14,4	32,3	57,9	37,1	98,7	34,8

1-жадвал маълумотларида кўриш мумкинки, мамлакат аҳолисининг бандлик даражаси 2022 йил 3 чорак статистикаси билан солишириганда деярли сезиларли даражадаги бандлик даражасини кузатиш қийин. Йиллар кесимида ҳар бир соҳада секинроқ ўсиш кузатилмоқда. Аммо шуни инобатга олиш лозимки ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган аҳоли сони сезиларли даражада ўзгарган. Пандемия даврида бўй кўрсаткич 57,9 минг кишини ташкил этган, 2021 йилга келиб энг юқори кўрсаткич қайд этилган 98,7 минг кишини ташкил этиб 2022 йил 3 чорагига келиб 34,8 минг кишини ташкил этган. Буни 1 расмда ўсиш динамикасини яққол кўриш мумкин.


Иқтисодиётнинг ривожланиши, саноатлашув жараёнларининг жадаллашиши, урбанизациянинг кучайиши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишининг келажакда янада тез

суръатлarda бориши, ахборотлашувнинг оммавий тус олиши кабилар табиийки, меҳнат бозори кўламининг торайиб боришига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг механизациялашуви ҳам меҳнат бозори амал қилишида сифат жиҳатидан янги тенденцияларни келтириб чиқаради.

Меҳнат бозорининг самарали ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларни ижтимоий ва иқтисодий мазмундаги кўрсаткичларга ҳам ажратиш мумкин. Аммо бу ерда бир вақтнинг ўзида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий мазмунга эга кўрсаткичлар ҳам мавжуд [1].

Иқтисодий моҳият касб этадиган кўрсаткичлар меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф, меҳнат ресурслари қиймати ва баҳоси, иш ҳақи, меҳнат бозоридаги ракобат муносабатларини ифодаловчи кўрсаткичлардир.

## DEMOGRAFIYA VA MEHNAT IQTISODIYOTI



**1-расм. Меншнат бозори кўрсаткичлари динамикаси[11]**

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлар эса ишсизлик нафақалари, ишчи ва ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, қўнимсизлик даражаси, миграция жараёнлари билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳисобланади. Ишсизлик даражаси, иш ҳақи, даромадлар кўрсаткичларини бир вақтнинг ўзида ижтимоий-иқтисодий мазмундаги кўрсаткичлар деб ҳисоблаш мумкин.

Меншнат бозорининг фаолияти ҳукуқий мунносабатлар тизими таъсири остида амалга оширилади ва қонунчилик ҳужжатларининг мажмую билан тартибга солинади. Меншнат бозорининг ахборот тизими ҳам қўллаш ушбу ҳукуқий ахборотнинг ахборот оқимларидан бири сифатида қамраш ва у доимий янгиланиб борилиши мақсадга мувофиқ.

**Хулоса ва таклифлар.** Меншнат бозорини самарали ривожлантиришни таъминлаш, уни янада ривожлантириш, ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини барқарорлаштиришни таъминлашда қуйидаги йўналишларга эътибор қаратиш лозим:

- аҳоли жойлашуви асосида ҳар бир ҳудуд хусусиятларини аниқлаш ва ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг устуворлигини таъминлаш;

- демографик ўзгаришларга параллел равишда иш ўринларини яратиш, айниқса ўрта ва ўрта максус маълумотли аҳоли учун иш ўринларини кўпайтириш лозим;

- тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва чет эл инвесторларига янада кенг имкониятлар яратиш асосида қўшимча иш ўринларини кўпайти-

риш талабини кўчайтиришга эътироб қаратиш зарур;

- меншнат бозорида талаб юқори бўлган анъанавий ва замонавий касбларга қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш лозим;

- иш билан бандликнинг ностандарт шаклларини татбиқ этиш керак;

- рақамли иқтисодиёт шароитида аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш дастурларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарур;

- меншнат миграциясини давлат томонидан тартибга солишининг самарали механизмини татбиқ этиш керак;

- ишсизлик суғуртаси тизимини ташкил этиш механизмини ишлаб чиқиш ва ташкил этиш лозим

- меншнат бозоридаги вазиятнинг мониторингини олиб бориш;

- самарадорлигини статистик баҳолаш;

- асосан, “илгарилаб кетувчи” индикаторлар тизимидан фойдаланиб, вазиятни прогнозлаш;

- меншнат бозорини тартибга солиш устуворликларини аниқлаш;

- иш изловчилар ва ишга ёлловчилар, шунингдек, таълим ва қайта тайёргарлик билан шуғулланадиган институтларга маслаҳат бериш ва методологик ёрдам кўрсатиш;

- аҳоли ўртасидаги мойилликлар ва самарали иш билан бандликни аниқлаш ҳамда меншнат бозорини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурларини ишлаб чиқишига имкон берадиган ахборотга асосий эътибор бериш.

Иқтисодиётда хусусий сектор ролининг кенгайиши билан алоқадорликда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш бўйича агентликлар, нодавлат ихтисослашган меҳнат биржалари ва хусусий воситачи фирмаларнинг яратилиши ҳамда фаолиятлари давомида мақсадга мувофиқ равишда меҳнат бозори ягона ахборот тизими-

дан фойдаланиш ҳуқуқини бериш лозим. Ҳақиқатан ҳам, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизмати органлари маълумотлар банкининг шаклланишида қўшма ҳамкорлик худудий меҳнат бозорининг самарали ривожлантиришда, жараёнларнинг тезлашишига мутаносиблигини таъминлайди.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З. Меҳнат бозорини самарали ривожланиши ва уни моделлаштириш (монография). –Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 252 бет.
2. Korzhova D.A. Features of the formation of the labor market // "First independent scientific bulletin", Vol.-1. 2015 -89 p.
3. Yakovets Yu.V. Globalization and interaction of civilizations. - M.: Economics. 2018, - 90 p.
4. Колесникова О. Об оценке эффективности работы службы занятости. // Человек и труд, 2012, № 3. – С. 55-56.
5. Стыцюк Р.Ю. Методологические подходы к повышению уровня конкурентоспособности российских организаций на национальном и глобальном рынках. // Российское предпринимательство. Том 22.2014,-183-191 с
6. Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожланиши асосида аҳолини норасмий иш билан бандлигини камайтириш (монография). – Т.: «Инновацион ривожланиши» нашриёт-матбая уйи, 2021, 216 бет.
- 7 Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмасининг самарадорлиги ва прогнозини ошириш учун таҳлилий ва ахборот базасини такомиллаштириш // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. 2017, 5 - жилд. - 2 б.
8. Умарова М.А. Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорини статистик прогнозлашниң услугий асослари. – Т.: Инновацион ривожланиши нашриёти. 2019. - 22 б.
9. Толаметова З.А., Элмонов Б.Э. Меҳнат бозори ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий индикаторлар. // Иқтисод ва молия / экономика и финансы 2020, 2(134) 1186.
10. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари
11. Муаллиф илмий изланишлари натижасида тузилди



### **ISHCHI KUCHI BANDLIGINI TA'MINLASHDA BANDLIK XIZMATI MUASSASALARINING ROLI**

**Mamarakhimov Bekzod Erkinovich -**  
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti  
Fundamental iqtisodiyot kafedrasи mudiri, dotsent

**Annotatsiya.** Ishchi kuchi resurslari ishchi kuchini takror ishlab chiqarish holatini tasvirlashi, ularning tarkibiy tuzilishi nazariy jihatdan yoritilgan. O'zbekiston Respublikasida ishchi kuchi resurslarining holati tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** ishchi kuchi resurslari, iqtisodiy faol aholi, ishsizlik, ishchi kuchi qiymati.

### **РОЛЬ УЧРЕЖДЕНИЙ СЛУЖБЫ ЗАНЯТОСТИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЗАНЯТОСТИ РАБОЧИХ СЫЛ**

**Мамараҳимов Бекзод Эркинович -**  
Заведующий кафедрой Фундаментальной экономики  
Ташкентский государственный экономический университет, доцент

**Аннотация.** Ресурсы рабочей силы для описания состояния воспроизводства рабочей силы, теоретически объяснено их структурного состава. Проанализировано состояние трудовых ресурсов в Республике Узбекистан.

**Ключевые слова:** ресурсы рабочей силы, экономически активное население, безработица, стоимость рабочей силы.

### **THE ROLE OF EMPLOYMENT SERVICE INSTITUTIONS IN PROVIDING EMPLOYMENT OF LABOUR**

**Mamarakhimov Bekzod Erkinovich -**  
Head of the Department of "Fundamental economics"  
Tashkent State University of Economics, associate professor

**Annotation.** Labor resources to describe the state of reproduction of the labor, theoretically explained by their structural composition. The state of labor resources in the Republic of Uzbekistan is analyzed.

**Keywords:** labor resources, economically active population, unemployment, labor cost.